

2010-5-сон

Судланувчининг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 20 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2009 йил 6 октябрдаги ҳукмига асосан фуқаро Х. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми «а,ж» бандлари билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан судланган.

Суднинг ҳукмига кўра Х. 2009 йил 9 май куни соат 18 ларда ўзига тегишли тоқзорда сел сув ювиб кетган жойларни тартибга келтириб юрган пайтда амакиси Т. олдига келиб, тоқзоридаги ариқларни вақтида тозалаб қўймаганлиги сабабли унинг тоқзорини ҳам сел ювиб кетганлигини айтганлиги учун у билан ўзаро жанжаллашиб, уни қасддан ўлдириш мақсадида қўлидаги кетмон билан баданининг турли жойларига вояга етмаган ўғиллари С. ва Ш.ларнинг кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан бир неча бор урган.

Х. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, отаси Т.га ёрдам бермоқчи бўлган С. ни укаси Ш. кўз ўнгида қасддан ўта шафқатсизлик билан ўлдириш мақсадида ўнг елкаси ва ёноқ қисмига кетмон билан урган.

Суд жиноят иши бўйича иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, бироқ Х.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят процессуал кодексининг 82-моддаси мазмунига кўра, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, тафсилотлари, сабаб ва мақсадлари, айбнинг шакли, айбланувчи ва жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар ҳукм чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 21-моддасида, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг:

юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан;

юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 4 сентябрдаги **“Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 3-бандига кўра, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, чунки бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлади.

Шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур.

Пленум қарорининг 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилиши, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши;

айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро

муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги назарда тутилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талабларига ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

Иш материалларидан кўринишича, Х. ва Т.лар ўзаро қариндош ва қўшни бўлиб яшашган. Уларнинг оилалари ўртасида аввалдан тоқзор масаласида келишмовчилик мавжуд бўлган.

Х. 2009 йил 9 май куни бир кун аввал ёғиб ўтган сел ювиб кетган тоқзорини тартибга келтириб юрганида амакиси Т. олдига бориб, тоқзоридаги ариқларни вақтида тозалаб қўймаганлиги сабабли унинг тоқзорини ҳам сел ювиб кетганлигини айтганлиги учун Х. амакиси Т. билан жанжаллашиб қолган. Жанжал давомида улар бир-бирларини кетмон билан уриб, бир-бирларига тан жароҳати етказишган. Т. ерга йиқилиб қолган. Т.нинг ўғли С. унга ёрдам бермоқчи бўлган пайтда Х. уни ҳам бир неча марта уриб, воқеа жойида ташлаб кетган.

Суд тиббиёт экспертизаси хулосаларида Т. оғир, С. ва Х. соғлиқларининг бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст олганликлари кўрсатилган.

Бироқ суд Х.нинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг Т.ни ҳамда С.ни ўлимини истаган-истамаганлигини, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлар сони, хусусияти ва ўрни, жиноий ҳаракатларини тўхтатиш сабабларини, унинг жиноят содир этганидан кейинги ҳаракатлари хусусиятларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ишда тўпланган далилларга ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра, Х. амакиси Т. билан жанжаллашиб, уни ҳамда ёрдамга келган ўғли С.ни ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилиб, уларни кетмон билан

уриб, қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган бўлса-да, уларни юз бериши мумкин бўлган ўлимига онгли равишда йўл қўйган.

Бундай ҳолатда Х. амакиси Т.ни ҳамда С.ни қасддан ўлдириш жиноятини тўғри қасд билан эмас, балки эгри қасд билан содир этган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъати 2010 йил 16 сентябрдаги ажрими билан Х.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2009 йил 6 октябрдаги ҳукми ва шу суд апелляция инстанциясининг 2010 йил 13 майдаги ажрими ўзгартирилди, Х.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми “а,ж” бандларидан шу кодекс 104-моддаси 2-қисмининг “в” банди ҳамда 109-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинди, Х.га Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми “в” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан 4 ой қамоқ жазоси Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 8 йил 4 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Назорат иши ЖСХ-105-10